

# Куч – адолатда

2024 йил  
26 январь,  
жума  
№ 7 (989)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

• <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

• 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАР – МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг тақлифига биноан 23-25 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Давлатимиз раҳбари 25 январь куни Шэньчжэнь шаҳрида Гуандун музофоти партия кўмитаси котиби Хуан Куньмин билан учрашув ўтказди.

Гуандун – Хитойнинг энг ривожланган ҳудудларидан бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизини шакллантиради ва бу кўрсаткич бўйича етакчилик қилади. Музофот Ўзбекистон ҳудудларининг энг йирик иқтисодий шеригидир.

Учрашувда музофот билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, энг аввало, юқори технологик тармоқларда кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Куни кеча ХХР Раиси Си Цзиньпин билан сермахсул музокаралар ўтказилгани, улар доирасида ҳудудлараро алоқаларни янада кенгайтириш масаласи қўллаб-қувватлангани мамнуният билан қайд этилди.

Саноат кооперациясини чуқурлаштириш, шу жумладан, Гуандуннинг етакчи компаниялари учун мамлакатимиз ҳудудларида ихтисослаштирилган юқори технологик парklar ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

24 январь куни бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувда ташкил этилиши келишиб олинган Ўзбекистон ва Хитой ҳудудлари кенгаши фаолиятида Гуандун муҳим ўрни тутуши таъкидланди.

Музофот ҳудудда жойлашган "Huawei", "BYD", "ZTE" ва бошқа илғор компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантиришдан Ўзбекистон манфаатдорлиги қайд этилди.

Гуманитар алоқалар ва ишби-

лармонлик алмашинувларини фаоллаштириш мақсадида IT таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш ва тўғридан-тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Хитой Халқ Республикасида давлат ташрифининг ишбилармонлик тадбирлари давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Гуандун музофоти партия кўмитаси котиби Хуан Куньмин билан биргаликда Шэньчжэнь шаҳрида ўтатган қўшма Инвестиция форумида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил май ойида Хитойга давлат ташрифи доирасида ҳам ушбу мамлакат ишбилармон, молия ва инвестиция доираларининг етакчи вакиллари билан учрашувлар ўтказган эди. Ушанда эришилган муҳим келишувлар икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликни янада кенгайтди.

Бугунги инвестиция форуми самарали мулоқотнинг давоми бўлиб, икки мамлакат идоралари ва ҳудудлари раҳбарларини, Хитой йирик бизнесининг 600 нафардан зиёд вакилини тўплади. Хитойнинг Миллий нефть-газ корпорацияси, Миллий кимё-инжиниринг компанияси, Аэрокосмик илмий-саноат корпорацияси, "China Energy", "Gezhouba Group", "China CAMC Engineering", "Huawei Technologies", "SANY Renewable Energy", "BYD Auto Industry", "Xinjiang Hualing Group", "ZTE", "TBEA", "Universal Energy" компаниялари, Хитой тараққиёт банки, Давлат тараққиёт банки, Экспорт-импорт банки шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари форумни очар экан, барча иштирокчиларни самимий кутлади ва тадбир ҳақли равишда Хитойнинг инновациялар пойтахти ҳисобланган Шэньчжэнь шаҳрида ўтказилаётганда ўзига хос рамзий маъ-

но мужассам эканини таъкидлади. — Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли ва ўзаро манфаатли муносабатлар, биринчи навбатда, иқтисодий ҳамкорлик алоқаларидан куч олади, — деди Президент.

Куни кеча ХХР Раиси Си Цзиньпин билан самарали музокаралар ўтказилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Эришилган натижалардан бири мамлакатларимиз бизнес вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларга қўлай шароитлар яратиш бўйича келишувлар бўлди.

Қабул қилинган тарихий ҳужжат – Ўзбекистон – Хитой муносабатларини барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига олиб чиқадиган давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти ҳам бунга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал суръатда ўсиб, кенг қўлама касб этаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайиб, 2023 йилда рекорд кўрсаткич – 14 миллиард долларга етди. Давлатимиз раҳбари яқин йилларда, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кенгайтириш, айрим турдаги маҳсулотлар бўйича имтиёзли савдони йўлга қўйиш тўғрисида янги ҳукуматлараро битим тузиш орқали бу кўрсаткични 20 миллиард долларга етказиш учун имконият борлигини яна бир бор қайд этди.

Хитойнинг Ўзбекистонга киритган умумий инвестициялари ҳажми 14 миллиард доллардан ошди. Хитой сармоясини иштирокидаги корхоналар сони уч баробар кўпайди.

Давлатимиз раҳбари яқинда Урумчида ўтган ҳудудлараро форум ва саноат маҳсулотлари кўргазмасида муҳим инвестиция келишувлари имзо-

ланганини юқори баҳолади.

Ўзбекистон томони ушбу ишбилармонлик платформасига тизимли тус бериш ва навбатдаги форумни юртимизда ўтказишга тайёрлиги билдирди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари доимий фаолият юритадиган икки мамлакат ҳудудлари кенгашини ташкил этиш бўйича режаларни олқишлади.

Маълумки, Янги Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштириш ва бозор механизмларини жорий қилиш бўйича таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Юқори технологик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган. Шу ойдан бошлаб "саноат ипотекаси" ишга туширилмоқда, бунда ер ва ишлаб чиқариш майдонлари "тайёр бизнес" шаклида инвесторларга берилади.

Йирик банклар, саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янги лойиҳа ва ташаббусларни илгар суришга сафарбар этиш муҳимлигини қайд этиб, давлатимиз раҳбари келгуси ҳамкорликнинг устувор ва истиқболли йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Булар – инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларига Хитой молия институтлари маблағларини жалб қилишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилган ҳолда ушбу мамлакат компаниялари билан шерикликни кенгайтириш, иқтисодийнинг устувор тармоқларида, шу жумладан, стратегик хомашёни чуқур қайта ишлашда саноат кооперациясини ривожлантириш.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдида янги-янги вазифалар қўймоқда.

### ● Моҳият

## ЯНГИ ҚОНУН:

жиноятларни фош этиш ҳамда жазонинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади



Бу жараёнда ушбу органлар ходимлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажариши, тезкор ва самарали қарорлар қабул қилиши учун замонавий технологияларни соҳага жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки замонавий технологияларнинг ривожланиши на-

(Давоми 3-бетда) ▶

### Қонун кўмаги

## Тадбиркор манфаати

апелляция судида ҳимоя қилинди



Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда тижорат банкларидан кредит маблағини олиш энг қўлай усул ҳисобланади.

Қувасой туманида яшовчи яқка тартибдаги тадбиркор Гўзал Обиджоновна (исм-шарифлар ўзгартирилган) савдо дўкони очиб, ўз фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштиради.

У савдо дўконини жиҳозлаш мақсадида "Миллий банк" Фарғона вилояти филиялига кредит сўраб мурожаат қилади. Кредит таъминоти сифатида турмуш ўртоғи Расул Искандаровга тегишли савдо дўкони ҳамда Илҳом Норқобилова қарашли бино-иншоотларни гаровга қўяди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Халқимизнинг кўп минглик тарихида ўзига юклатилган масъулиятни ҳар доим чуқур ҳис этган, ҳалол ва диёнат билан иш тутган, адолатни ҳамма нарсадан устун қўйган қозилар кўп бўлган.

### Тарих тилсимлари



## Касбига садоқати БАЛАНД ҚОЗИ

ёҳуд Бурҳониддин Мискин ибрати

Шулардан бири Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида яшаб ўтган қози Бурҳониддин Мискиндир. Унинг фикр ва қонунчилик масалаларига бағишланган "Шарҳи каср" асари бизгача етиб келган.

(Давоми 4-бетда) ▶

### ■ Менда таклиф бор!

## ЖАЗОНИНГ АНИҚЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИ

одил судловнинг муҳим шартидир

Фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечирishiни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бири ҳисобланади. Шу боис жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг дахлсизлиги ва соғлигини ҳар қандай таъжовулардан муҳофаза қилиш энг муҳим вазифалардан биридир.


(Давоми 3-бетда) ▶

### ■ Мезон

## Етказилган зарар

жавобгар шахс ҳисобидан ундирилди

Маълумки, аҳоли турар-эсой биноси, шунингдек, табиий газ, электр энергияси ёки сув тармоқларига ўзбошимчалик билан улашиш, уларга қонуний тарзда ўзгартириш киритиш қўтилмаган қўшилсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ўзбошимчалик ўз навбатида, маъмурий ва жиноий жавобгарликка ҳам сабаб бўлади.



Миллий қонунчилигимиз талабига кўра, ўзбошимчалик билан етказилган зарар жавобгар шахс ҳисобидан тўлиқ ундирилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

### ■ Янги ихтисослашув

## Судьяларнинг меҳнат низолари бўйича ихтисослашуви

фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 55-моддасида ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳалда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланган.

(Давоми 3-бетда) ▶



### ■ Шарҳ

## Олий суд Пленуми қарори

қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро нормаларни қўллашда юзага келаётган айрим муаммоларга ечим бўлади

Бугунги кунда Ўзбекистон бутунжаҳон иқтисодий интеграциясининг муҳим иштирокчиларидан бирига айланмоқда. Ушбу муҳим жараёнда халқаро миқёсдаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг тобора кенгайиб бориши натижасида судларда чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар сони кўпайиб бораётганини кузатиш мумкин.

Шу муносабат билан судлар томонидан чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро нормаларни қўллашда юзага келаётган саволларга ечим топиш, амалиётда учраётган айрим муаммоларни ҳал этиш зарурияти юзага келганди.

(Давоми 2-бетда) ▶



Таслима АННАЕВА,  
Олий суд судьяси

# ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАР – МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ИФОДАСИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигини барқарор юритишда Хитойнинг илгор технологияларини жалб қилиш ҳамда ерларни қайта тиклаш ва тузга чидамли ўсимликларни экиш бўйича илмий ёндашувларини жорий қилиш.

“Яшил” энергетикада стратегик шериклики янада илгари суриш ва Хитой компанияларининг хусусийлаштириш дастурида иштирок этиши ҳам муҳим йўналишлар сифатида қайд этилди.

Шу муносабат билан инвестиция лойиҳалари портфелини, инфратузилма ва sanoat кооперациясини ривожлантириш дастурларини кенгайтириш бўйича хитойлик шериклар билан келишувларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Шунингдек, ташриф давомида Хитойнинг етакчи банклари томонидан лойиҳаларни молиялаштириш кенгайтириш, Экспорт-импорт банки ваколатхонасини очиш ва Ипак йўли фонди билан биргаликда янги Инвестиция платформасини яратиш бўйича қабул қилинган қарорлар хитойлик ҳамкорларнинг Ўзбекистондаги муваффақиятли фаолиятига кучли суръат бағишлаши таъкидланди.

– Яна бир янгилик. Ҳар бир хитойлик ҳамкорга лойиҳалар бошидан охиригача ҳамроҳлик қилувчи инвестиция менежери тайинланади. Улар компанияларининг лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишида янги имкониятлар яратишига қатъий ишонамиз, – деди Президент.

Гуандун музофоти партия кумитаси котиби Хуан Куньмин ҳам форум иштирокчиларига мурожаат қилди. Президентимиз олиб бораётган орта қайтмас ислохотлар сўбатини тўлиқ қўллаб-қувватлашни билдириб, Ўзбекистонда очилаётган катта имкониятларни қайд этди ҳамда Хитой бизнесини мамлакатимизда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишда янада фаолроқ иштирок этишга чақирди.

Бизнес форуми якунида энергетика, нефть-газ, тоғ-кон, электротехника, энгил sanoat, машинасозлик, инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, транспорт ва логистика соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатларнинг катта тўплами имзоланди.

“Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, ҳар бир лойиҳага масъул менежерлар бириктирилади.

Яқунда Ўзбекистон Президенти ушбу Гуандун инвестиция форумини ҳар йили ташкил этиш ташаббусини илгари суриб, унинг навбатдаги учрашувини келгуси йилда Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари Шэньчжэнь шаҳридаги тадбирлар доирасида Ипак йўли фонди раиси Чжу Цзюнь билан учрашув ўтказди.

Фонд 2014 йилда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган.

Учрашувда sanoat кооперацияси ва инфратузилмани ривожлантириш молиявий қўллаб-қувватлаш учун фонд билан биргаликда яратилган инвестиция платформаси имкониятларини фаол ишга солиш орқали истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги режалар кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев “SANY” компанияси директорлар кенгаши раиси Сян Вэньбони қабул қилди.

“SANY” шамол турбинала-

рини ишлаб чиқарувчи дунёнинг етакчи 10 та компанияси қаторига киради. Шамол энергетикаси қурилмаларини ишлаб чиқариш ва сотишга, шамол электр станцияларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш ва бошқаришга ихтисослашган.

Учрашувда компаниянинг Қорақалпоғистон Республикасида шамол электр станциясини барпо этиш, шамол турбиналарининг бутловчи қисмларини, қурилиш ва оғир юк техникасини ишлаб чиқаришни кўриб чиқиш каби лойиҳаларни амалга ошириш режалари қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари мутаассадиларга эришилган келишувлар амалга оширилишини жадаллаштириш бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилишга топшириқ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шэньчжэнь шаҳрига ташрифи доирасидаги навбатдаги учрашув “CSG” компанияси директорлар кенгаши раиси Мэн Чжэньпин билан бўлди.

Хитойнинг электр тармоқлари соҳасидаги етакчи компанияларидан бири “CSG” тармоқларни қуриш ва бошқаришга ихтисослашган. Компаниянинг бозор капиталлашуви 60 миллиард долларни ташкил этади.

Учрашувда истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Хитой компанияси иштирокида лойиҳалаштириш ва инжиниринг бўйича замонавий тизимларни, энергетик хавфсизлигини таъминлаш ва энергия тармоқларида йўқотишларни камайтириш бўйича юксак стандартларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шэньчжэнь шаҳрида Хитойнинг етакчи “BYD” компанияси бош қароргоҳи ва технологиялар марказига ташриф буюрди.

Ушбу компания замонавий инновация автомобиллар ва янги авлод аккумулятор батареяларини ишлаб чиқариш соҳасида глобал пешқадамдир.

Ташриф чоғида компания ютуқларига бағишланган кўрғазма, автомобиллар ва бошқа турдаги техникаларнинг ишлаб чиқарилаётган ва истиқболли моделлари, компаниянинг янги технологиялари ва илгор ишланмалари намойиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари компания президенти Ван Чуаньфу билан бирга Жиззах вилоятида йилига 50 минг дона гибрид ва электр автомобилларни йиғиш бўйича лойиҳани ишга туширишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Президентимиз яқин истиқболда бозордаги талабдан келиб чиқиб моделлар қаторини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватини йилига 300 минг донагача ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Шунингдек, компаниянинг мамлакатимизда “BYD” электр автобусларини йиғишни йўлга қўйиш, эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш ва муҳандислик-сервис марказларини ташкил этиш борасидаги режалари қўллаб-қувватланди.

Ташриф чоғида компания Ўзбекистонга 10 минггача автомобилни етказиб берганининг рамизи сифатида давлатимиз раҳбарига YANGWANG U8 автомобили ҳада қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасида давлат ташрифи якунланди.

ЎЗА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни иқтисодий судлар томонидан кўрилишида қонунчилик ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори айтиш мақсадида қаратилган.

Пленум қарори етти бобга туркумлаштирилган. Булар:

- умумий масалалар ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш;
- иқтисодий судларнинг чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича ваколатлари;
- чет элга мансуб ҳужжатларга қўйиладиган талаблар;
- чет эллик шахслар иштирокидаги иқтисодий ишларни кўриб чиқиш тартиби;
- чет эллик шахслар иштирокида иқтисодий низоларни кўриб чиқишда суд томонидан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш;
- чет давлатлар судлари ва арбитражларнинг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш;
- чет давлат судининг топширигини ижро этиш тўғрисидаги ишлар ва якунловчи ҳолатлардир.

Айтиш керакки, Пленум қа-

Шарҳ

## Олий суд Пленуми қарори

қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро нормаларни қўллашда юзага келаётган айрим муаммоларга ечим бўлади

рорида чет эллик шахсларнинг Ўзбекистонда жойлашган доимий муассасаси билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, Солиқ кодексининг 36-моддасида чет эл юридик шахсининг доимий муассасаси тўғрисида тушунчалар берилган бўлиб, унда чет эл юридик шахси мамлакатимиздаги тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман қайси доимий фаолият жойида амалга ошираётган бўлса, ўша жой чет эл юридик шахсининг Ўзбекистондаги доимий муассасаси деб эътироф этилиши кўрсатилган.

Шу сабабли Пленум қарорида чет эллик шахсларнинг доимий муассасаси орқали Ўзбекистонда амалга ошираётган фаолияти билан боғлиқ низолар бўйича даъво қаноатлантирилган тақдирда, ундирилаётган сумма чет эллик шахсларнинг юртимизда очилган ҳисоб

рақамларидан ундирилиши ҳақида тушунтириш берилди.

Шунингдек, қарорда тарафлар ўртасида тузилган битимда келиб чиқиши мумкин бўлган иқтисодий низоларнинг чет эл судлари, халқаро арбитраж ёки ҳакамлик судига топшириш ҳақидаги келишув мавжуд бўлган тақдирда, низоли кўриб чиқишнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳам баён этилган.

Пленум қарорида суд амалиётида чет элга мансуб ҳужжатларга қўйиладиган талаблар бўйича айрим тушунмовчиликлар келиб чиқиб қолганини инобатга олиб, иқтисодий судларга топширилаётган чет элга мансуб ҳужжатларга қўйиладиган талаблар, шу жумладан, ҳужжатларни легаллаштириш хусусиятлари, уларни таржима қилиш тартиб-таомиллари, таржима учун қопланадиган харажатлар ҳақида батафсил тушунти-



ришлар берилган. Фикри-мизча, ушбу тушунтиришлар нафақат судлар, балки суд процессида иштирок этувчи шахслар учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Иқтисодий процессуал кодекси талабига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамаси ҳақида тегишли тартибда хабардор қилиниши лозим. Чет давлатда жойлашган ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш айрим ҳолатларда, кўп вақт талаб этгани кодексда белгиланган ишни кўриш мuddатлари бузилиши ҳолатлари учраб туради.

Шу нуқтаи назардан, Пленум қарорида агар иқтисодий судлар томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни

тегишли равишда хабардор қилиш учун белгиланган тартибда хорижий давлатларнинг ваколатли органларига суд топшириқлари юборилган бўлса, судлар Иқтисодий процессуал кодексининг 102-моддаси 4-бандига мувофиқ иқтисодий иш бўйича иш юртишни тўхтатиб туриши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилди.

Бундан ташқари Пленум қарорида ишларни иқтисодий судларда кўриш жараёнида юзага келаётган бошқа саволларга ҳам батафсил тушунтиришлар берилган.

Шундай қилиб, Олий суд Пленумининг ушбу қарори одил судловни амалга оширишда ягона амалиётни шакллантиришга кўмак берувчи муҳим ҳужжат сифатида ўзининг самарали натижаларини бериши тайин.

Қонун кўмаги

## Тадбиркор манфаати

апелляция судида ҳимоя қилинди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Натижада 2022 йил 16 ноябрда банк филиали билан тадбиркор ўртасида кредит шартномаси тузилиб, савдо дўконини жиҳозлаш учун Г. Обиджоновани йиллик 14 фоиз устам тўлаш шарт билан 5 йил мuddатга юз миллион сўм миқдорида кредит ажратилади. Сўнгра мижоз тақдим қилган тўлов топшириқномасига биноан кредит маблағи маийши техника етказиб берувчи якка тартибдаги тадбиркор Дилшод Сиддиқовнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Аммо орадан 3 ой ўтгач, банк масъуллари томонидан ажратилган кредитнинг мақсадли сарфланиши бўйича ўтказилган мониторингда савдо дўконига 94.100.000 сўмлик жиҳозлар олинмагани тўғрисида далолатнома тузилади. Ушбу далолатнома асосида Савдо-саноат палатаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси “Миллий банк” Фарғона вилояти филиали манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилади. Аниқроғи, даъвогар ажратилган кредит мақсадли сарфланганини рўқач қилиб, кредит маблағини муддатидан олдин ундириш ва ундирувчи гаров мулкига қаратишни сўрайди. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона

туманлараро суди 2023 йил 3 июлда даъво талабини қаноатлантириб, Г. Обиджоновадан банк филиали фойдасига юз миллион сўм кредит қарздорлигини ундириш ҳамда ундирувчи гаровга қўйилган мулкларга қара-тиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Бироқ бундан норози бўлган қўшимча жавобгар Р.Искандаров апелляция шикоят билан мурожаат қилиб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўрайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Фарғона вилояти суди апелляция инстанцияси биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори билан келишмади. Гап шундаки, Фуқаролик кодексининг 382-моддасига мувофиқ, тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган тарзда зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади. Банк мутахассиси томонидан мониторинг жараёнида тузилган далолатномада ҳақиқатдан ҳам, тадбиркор савдо дўконини жиҳозлагани, лекин келтирилган

жиҳозлар



Дилшод Сиддиқов билан тузилган шартномада назарда тутилган товарлар эмаслиги қайд этилган. Савдо дўконининг жиҳозлангани банк вакилининг суддаги тушунтиришидан ташқари фуқаролик ишига илова қилинган фотосуратлар билан ҳам ўз тасдиғини топган. Бу ҳолат кредит шартномасини жиддий бузиш деб баҳолаш учун асос бўлмади.

Бундан ташқари фуқаролик ишида Г. Обиджонованинг кредит шартномасини жиддий бузгани (мунтазам равишда кредит тўловларини амалга оширмагани ёки ажратилган кредит маблағини ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборгани)ни тасдиқловчи ва бошқа муҳим аҳамиятга эга далиллар мавжуд эмас. Аммо биринчи инстанция суди маъруз қарорларни ўр-

ганмай, уларга ҳуқуқий баҳо бермай, даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида барвақт хулосага келган.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 399-моддасига биноан, суд ишни апелляция тартибда кўриб чиққач, ўз ажрими билан ишни янгидан кўриш учун юрмасдан ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилиш ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли. Ана шу асосларга таянган Фарғона вилояти суди апелляция шикоятини қаноатлантирди. Яъни фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2023 йил 3 июлдаги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, Савдо-саноат палатаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг даъвосини рад этиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш судлар зиммасидаги энг муҳим вазифалардан бири саналади. Чунки соҳа вакилларининг машаққатли меҳнати эвазига мамлакатимиз иқтисодиёти тобора юксалиб бормоқда. Қолаверса, ҳаюмюртларимизнинг бандлигини таъминлашда ҳам тадбиркорлик фаолиятининг ўрни бекиёс. Шу боис судларда тадбиркорлар манфаатини ишончли ҳимоя қилиш одил судлов сифатини ошириши баробарида иқтисодий тараққиётга ҳам ҳисса қўшади.

Раҳимжон ҚОСИМОВ,  
Фарғона вилояти суди судьяси

● Мезон

## Етказилган

Konsalting ekspertiza” хусусий корхонаси томонидан экспертизадан ўтказилган. Бундан ташқари иш юзасидан 2023 йилнинг 6 мартидан суд-қурилиш техникавий экспертизаси тайинланиб, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Навоий вилояти бўлими томонидан 2023 йил 12 майда етказилган зарар бўйича тайёрланган смета ҳужжатлари илмий асосланган ҳақида хулоса берилган.

Биринчи босқич суди юқоридагилардан келиб чиқиб, моддий зарарни жавобгардан даъвогар фойдасига ундириш ҳақида қонуний ва асосли хулосага келган.

Ҳўш, бундай вазиятда жавобгарнинг вазилари асослими? Гап шундаки, жавобгар

апелляция шикоятда кувурини ўзбошимчалик билан ўзгартиришдан ўтказилган. Бундан ташқари иш экани, 3 ва 4 қаватнинг ўртасидаги кувур тозаланмагани сабабли тошқин юз бергани, аммо ушбу ҳолат бўйича суд қурилиш техникавий экспертизаси ўтказилмаганини вақт сифатида келтирган.

“Хумо – Зилола – Барҳаёт” консалтинг бюросининг ўтган йил 1 ноябрдаги баённомасида 25 октябрдан 26 октябрга ўтар кечаси ёққан кучли ёмғир натижасида Н. уйнинг 23, 43, 63, 83, 103 ва 123 хонадонлари кириш қисмига, ошхонаси, ювиниш хонаси, яшаш уйларини сув босгани, бунга 3-хонадонда сув ўтиш кувурини ноқонуний тарзда ўзгартирилгани сабаб бўлгани баён қилинган.



● Моҳият

# ЯНГИ ҚОНУН: ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШ ҲАМДА ЖАЗОНИНГ МУҚАРРАРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Олий Мажлис Сенатининг қирқ тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонунда айни турдаги жиноятларга қарши тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш назарда тутилган. Хусусан, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга киритилаётган ўзгартиришларга асосан тезкор-қидирув тадбирлари қандай шакл ва тартибда ўтказилишига янада аниқлик киритилмоқда. Бундан тезкор-қидирув тадбирларининг асосий турларидан бири бўлган маълумотларни тўплашда ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини ўрганиш лозимлиги қайд этилган алоҳида эътиборга молик. Шунингдек, “тезкор

киритиш” ва “ниқобланган операция” тушунчаларига ҳам батафсил таъриф берилмоқда. Бундан ташқари “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун тезкор-қидирув тадбирлари ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда, шу жумладан, кибермаконда ва унинг имкониятларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилиши мумкинлиги тўғрисидаги янги норма билан тўлдирилмоқда. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунга киритилаётган ўзгартиришларга асосан эндиликда ички ишлар органлари ваколатлари доирасида жиноий ҳолатлар, уларни содир этган шахсларни аниқлаш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, тергов органлари ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ҳамда маъмурий жазони ўташдан бўйин товлаётган шахслар, шунингдек, бедарак йўқолган шахсларни қидириш учун

давлат органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда бошқа ташкилотлар, жумладан, нодавлат ташкилотларнинг ҳам оммавий ахборот воситаларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмоқда. Мазкур ўзгартиришлар орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда кенг имкониятлар вужудга келади. Яна бир муҳим ўзгариш шундан иборатки, маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус муассаса – махсус қабулхоналарда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тартиби белгиланмоқда. Унга кўра, махсус қабулхоналардаги тезкор-қидирув фаолияти жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, барҳам бериш ва фош этиш, шунингдек, жиноятларга тайёргарлик кўриш ва уларни содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш, топши ҳамда қиди-

риш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши: – кенг жамоатчиликка терговга қадар текширув органлари, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан яширинган ҳамда жиноий жазони ўташдан бўйин товлаётган шахслар тўғрисида маълумотларни тезкорлик билан етказишга; – бедарак йўқолган шахсларни кенг жамоатчиликни фаол жалб этиш йўли билан ўз вақтида топшишга; – жиноий ҳолатлар, уларни содир этган шахсларни аниқлаш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ўташдан бўйин товлаётган шахслар, шунингдек, бедарак йўқолган шахсларни қидириш самарадорлигини оширишга; – Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда ёки ижтимоий тар-

моқлар орқали содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш самарадорлигини яхшилашга; – тезкор-қидирув тадбирлари натижаларини суриштирув, тергов органлари, прокуратура тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилишини соддалаштиришга; – тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда ортиқча қоғозбозликнинг камайтиришга; – қидирувдаги шахсларни аниқлаш йўлида сарф қилинадиган маблағлар тежаллишига; – махсус қабулхоналарда жиноят содир этилишининг барвақт олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этиш, қидирувдаги шахсларни ушлаш ҳамда жазонинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади. **Фарҳод БОКИЕВ,** Олий Мажлис Сенати Ахборот сисъати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Янги ихтисослашув

## Судьяларнинг меҳнат низолари бўйича ихтисослашуви

фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Албатта, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан усуллари билан бир – суд ҳимояси ҳисобланади. Буни судлар томонидан кўриб чиқилган меҳнат низолари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, фуқаролик судларида 2023 йилда меҳнат низоси билан боғлиқ жами 10 минг 794 та фуқаролик иши кўрилиб, 8 минг 967 таси (83 фоиз) бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган. Уларнинг 2 минг 644 таси ишга тиклаш, 6 минг 252 таси иш ҳақини ундиришга тегишли бўлган. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан анча кўпайган. Биргина Навоий вилояти фуқаролик ишлари бўйича судларида 2023 йилда меҳнат низоси бўйича 1307 та даъво аризаси кўриб чиқилиб, шундан 761 таси қаноатлантирилган. Уларнинг 222 таси ишга тиклаш, 746 таси иш ҳақини ундиришга тегишли. Ушбу рақамлар ва амалиёт таҳлили, ўз навбатида, фуқаролик ишлари бўйича судларда меҳнат низоларига ихтисослашган судьялар корпусини шакллантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда. Маълумки, Меҳнат кодексининг 541-моддасида меҳнат низолари тушуначисига шундай таъриф берилган: “Меҳнат низолари бу – иш берувчи ва ходим ўртасида ёхуд ходимлар (уларнинг вакиллари) ва иш берувчилар (уларнинг вакиллари) ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, меҳнат шартномасини қўллаш масалалари бўйича, шунингдек, яна меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шартларини ўзгартириш масалалари бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар меҳнат низоларидир”.

Одатда, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат низоси келиб чиққанида, албатта, иш берувчи томонидан юридик тайёргарликка эга вакилнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Шу маънода айтганда, фуқаронинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг такомиллаштириш, бунда судларда меҳнат низоларини кўришга ихтисослашган судьялар корпусини шакллантириш “Инсон қадрини ўрнинли равишда ҳимоя қилиш” қонунини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланадиган қатъий амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки жиноят учун жазонинг тўғри тайинлиши одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати саналади. Адолатли жазо тайинлашни ундан кўзланган мақсадлар – маҳкумни ахлоқан тазатиш, у ва бошқа шахслар янги жиноятлар содир этишининг олдини олишга хизмат қилади.

□ Менда таклиф бор!

## ЖАЗОНИНГ АНИҚЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИ

### одил судловнинг муҳим шартидир



нинг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича келишув тузилади. Шундан сўнг Жиноят кодексининг 57<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноят учун ушбу кодекс Махсус қисми тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаган муддат ёки миқдорида жазо тайинланади. Шу ўринда эътибор қаратиш керакки, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув фақат икки асосга кўра, яъни Жиноят процессуал кодексининг 61-бобида белгиланган тартибда тиббий йўсиндаги маж-

бурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжуд бўлса ва шахс томонидан бир нечта жиноят содир этилган бўлиб, улардан лоақал биттаси ушбу моддада белгиланган талабларга тўғри келмаса, тузилиши мумкин эмас. Бу оғир жиноят учун жазо ўтаётган маҳкумлар, ўта хавфли рецидивист деб топилган шахслар, шунингдек, оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган шахслар билан ҳам айбига иқрорлик келишуви тузиш истисно қилинмаслигидан далолат беради. Бундай шахслар билан айбига иқрорлик келишуви тузилиши ва уларга Жиноят кодексининг 57<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноят учун ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаган

муддат ёки миқдорида жазо тайинланишини адолатли деб бўлмайди. Шу боис Жиноят процессуал кодексининг 58<sup>6</sup>-моддаси 3-қисми-ни келишувини рад қилишга асос сифатида “қасддан содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун жазо ўтаётган ва судланганлик ҳолати тугалланмаганлар” ҳамда “ўта хавфли рецидивистлар”га нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳақидаги янги қоида билан тўлдириб мақсадга мувофиқдир. Ушбу ўзгартириш жиноят учун жазоланиш керак деб топилган судланувчига аниқ ва адолатли жазо тайинлаш принципларига тўлиқ мос келиши борабариди одил судловга нисбатан ишончнинг янада ошишига ҳисса қўшиши шубҳасиз. **Шаҳзод БАХТИЁРОВ,** Қашқадарё вилояти суди судьяси

## Зарар

### жавобгар шахс ҳисобидан ундирилди

Худди шундай иш ҳужжатларидаги вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2022 йил 29 ноябрдаги хатида Н. уй, 3-хонадон мулкдори томонидан хонадон ички коммуникация шахтаси қувурига ўзбошимчилик билан ўзгартириш амалга оширилганлиги натижасида ёмғир сувларининг оқиб кетиши имконияти чеклаб қўйилганлиги сабабли юқори қаватдаги хонадонларни сув босгани қайд этилган. Бундан ташқари Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурдаги қурилиш ва уй-жой коммунал соҳасидаги назорат инспекцияси томонидан жавобгар Д.Отақулов ўзига тегишли хонадоннинг ички

тузилмасига ўзгартиш киритиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги 159-моддаси 3-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган, деб топилган. Бу ҳақда тегишли тартибда баённома расмийлаштирилган. Ҳуқуқбузар Д.Отақуловга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси 3-қисми билан 6 миллион сўм миқдорда маъмурий жарима жазоси қўлланилган. Жавобгар апелляция шикоятда сув тошқини қувурини ўзгартириши натижасида келиб чиқмагани, балки ширкат томонидан қувурларни тозалаб турилмагани оқибатида рўй бергани ва жазо қўлланганини айтиб келтирган.



Судда ушбу ваз жазо асосис эканлиги ойдинлашди. Чунки қурилиш ва уй-жой коммунал соҳасидаги назорат инспекцияси инспектори Н.Сафоқулов ўз кўрсатмасида 3-хонадон мулкдорининг ноқонуний иши, ўзбошимчилик оқибатида қўшни хонадонлар, жумладан, даъвогар С.Жуманазарованин уйини сув босгани, бу ҳақда далолатнома тузганини қайд этди. Ўз навбатида, апелляция судлов ҳайъати томонидан жавобгар Д.Отақуловнинг вазлари юзасидан суд-қурилиш техникавий экспертиза тайинланиб, эксперт олдида бир қатор саволлар қўйилди. Аммо Д.Отақулов суд ҳайъатига ариза билан мурожаат

қилиб, экспертиза тўловларини тўлашга имкони йўқлиги сабаб экспертиза ўтказмасдан ишни қонуний кўриб чиқишни сўради. Айтиши керакки, судлов ҳайъати юқорида келтирилган асосларга кўра, моддий зарарни ундириш учун етарли далиллар мавжуд деб ҳисоблади. Шу боис биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асосли, деган тўхтамага келди. Фуқаролик-процессуал кодексининг 399-моддаси 1-қисми 1-бандида суд ишни апелляция тартибда кўриб чиққач, ўз ажрими билан ҳал қилув қарорини ўзгартириш қолдиришга, шикоятни (протестни) қаноатлантирмас-

ликка ҳақли экани белгиланган. Шундай қилиб, судлов ҳайъатининг ажрими билан ушбу иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилган, апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилди. Хулоса қилиб айтганда, аҳоли турар-жой биноси, шунингдек, табиий газ, электр энергияси ёки сув тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиш фақат ташвиш келтирди. Шундай экан, бу каби қалтис ишлардан узоқ бўлган маъқул. **Гулнафис ХУДОЙБЕРДИЕВА,** Навоий вилояти суди судьяси

Жиноятга жазо муқаррар!

## Қимматга тушган АЛДОҶ

### ЁХУД ОДАМ САВДОСИ ОҚИБАТЛАРИ

Бутун дунё миқёсида одам савдоси жинояти қарши курашиш долзарб вазифа ҳисобланади. Ўз навбатида, бу иллатга қарши мурасимиз ва қатъият билан курашиш халқаро, минтақавий ва кўп томонлама ҳамкорликни талаб этади.

Ҳозирга қадар жиноятчиликнинг ушбу хавфли турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий тусга эга бўлган ҳужжатлари қабул қилинган. Афсус-

ки, дунё бўйлаб шунча кенг тармоқли фаолият, тегишли тағрибот-ташвиқот ишлари амалга оширилётганига қарамай ҳар йили жуда кўп қилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий тусга эга бўлган ҳужжатлари қабул қилинган. Афсус-

(Давоми 4-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

# КАСБИГА САДОҚАТИ БАЛАНД ҚОЗИ

## ёхуд Бурҳониддин Мискин ибрати

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қози Бурҳониддин Мискиннинг ўғли Мавлоно Муҳаммад қози ҳам отасининг ишони давом эттириб, узоқ вақт Бухоро шаҳри қозиси лавозимида фаолият юритган.

Шунингдек, у "Силсилатул-орифин" ҳамда "Хукмдорга ўғитлар" номли рисола-лар муаллифидир. Ота-бола қозилар ўз фаолияти давомида фақат қонун ва адолатга таяниб иш тутгани боис тарихда номлари муҳрланиб қолган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, кунларнинг бирида Мирзо Улуғбек қози Бурҳониддин Мискинни ҳузурига чақириб, уни синаб кўрмоқчи бўлади ва атай бир ноқонуний масала бўйича ҳукм чиқаришни сўрайди. Аммо қози "Султоним, бу ишга мен розилик беролмайман, чунки у адолатга зиддир", деб жавоб беради. "Агар мен сиздан шу ишга розилик беришни қатъий талаб қилсам-чи?" — деб сўрайди Мирзо Улуғбек. "Эҳтимол, совуқ қаҳратонда устимдан муздек сув куйсангиз, бу азобдан қутулиш учун мажбуран муҳр босарман, аммо бу иш барибир адолатнинг зиддидир", — дейди қози. Шунда Мирзо Улуғбек асл мақсадини айтади: "Маъзур тутасиз, сизни синамоқчи эдим, аслида мен ҳам бунга рози эмасман". Шу тариқа Мирзо Улуғбек қозининг адолатпарварлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилади ва унга мин-

натдорчилик билдиради.

Бу воқеани бежизга баён этаётганимиз йўқ. Тарихий манбаалардан маълумки, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида қозилар ишони шахсан ўзи назорат қилган, уларни турли йўллار билан синаб кўрган ва кўплаб жумбоқли масалаларни ҳал этишда шахсан ўзи иштирок этган.

Тарихнинг аччиқ ҳақиқатларидан яна бири шундаки, аксарият салтанатларда ота ва ўғил, ака-ука ўртасида юзага келган адоват ва низодан усталлик билан фойдаланиши, мамлакат тинчлиги ва оқиллиги раҳна солиши пайида юрган гуруҳлар мавжуд бўлган. Афсуски, Мирзо Улуғбек салтанати ҳам бундай иллатдан мустасно эмас эди. Мирзо Улуғбек ўз даврида аҳолининг кам таъминланган қатламларига эътибор қаратиб, савдогарлар, катта ер эгалари, бек ва амалдорлар учун солиқ миқдорларини оширган. Бу эса, табиийки, айрим тоифадаги одамларга ёқмаган.

Хуллас, Мирзо Улуғбекдан норози кимсалар унинг катта ўғли, Балх ҳокими Абдулатиф Мирзо ҳузурига бориб, уни отасига қарши гиж-гижлашади. Шаҳзода ҳам уларнинг ётналигига учиб, отасига қарши уруш эълон қилади. Мирзо Улуғбек 1448 йилда катта кўшин билан Балхга йўл олади. Аммо Амударёнинг икки соҳилида ота ва



ўғил бир-бирига қарши урушга журъат қилолмайдди ва ҳар икки тараф орта чекинади. Орадан кўп вақт ўтмасдан Мирзо Улуғбек кўчманчи қабилалар ҳужумини бартараф этиш учун шаҳарни тарк этган пайтида Абдулатиф Мирзо сотқин беклар ёрдамида Самарқандни эгаллайди. Пойтахтга қайтган Мирзо Улуғбек кўлга олинадди ва тахтдан воз кечишга мажбур қилинади. Сўнгра уламолар фатвоси билан тутқиндаги ҳукмдор ҳажга юборилади.

Ривоят қилишларича, ҳаж сафарига чиққан Мирзо Улуғбек Дарғам бўйидаги бир қишлоқда ҳамроҳлари билан тунамоқчи бўлган паллада бир гуруҳ наварлар етиб келади. Улар буюк аллома ва ҳукмдорни ўғли Абдулатиф Мирзонинг розилиги билан уламолар тасдиқлаган ўлим фатвосига биноан қатл этади.

Аслида бу фатво шаръий кучга эга бўлмаган. Чунки унга таниқли қози Бурҳониддин Мискин муҳр босмайдди. У буюк ҳукмдорнинг ўлдрилишига қаршилиқ қилган бўлса-да, аммо Мирзо Улуғбек хоинлик қурбонига айланади. Афсуски, адолатли қозининг фитначиларга итлоотсизлиги ҳам жавобсиз қолмаган. Айрим маълумотларга кўра, Мирзо Улуғбекдан сўнг уни ҳам заҳарлаб ўлдиришган.

Кўриниб турганидек, қози Бурҳониддин Мискин жонини қурбон қилган бўлса-да, адолат ва қонунийликдан ортага чекинмаган. Шу боис касбига хиёнат қилмаган адолатли қози сифатида тарихда ном қолдириган. Бу эса, чинакам ибрат намунаси.

**Рустам ЖАББОРОВ,**  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори

### Қизиқарли фактлар

Моҳиятига кўра, инсоннинг исм-шарифи, фамилияси шунчаки ҳарфлар бирикмаси, сўз ёки сўзлар йиғиндиси эмас, балки муайян инсон шахсияти, оила тарихи, шунингдек, халқ маданияти ва ўтмишининг кўзгуси ҳисобланади. Фамилияларда муҳим тарихий маълумотлар жамланган. Хусусан, уларда жойи номи, касби, диний эътиқоди ва инсон шахсиятининг бошқа жиҳатлари ҳам ўз аксини топган.

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ

### ёхуд фамилиялар тарихи



Фамилиялар узоқ тарихга эга бўлиб, кишилиқ жамият билан бирга ривожланиб борган. Илк фамилиялар тахминан бундан беш минг йил олдин қадимги Месопотамия ва Мисрда пайдо бўлган. Улар касб ва яшаш жойлари орқали ифода этилган. Тарихий манбаларда сақланиб қолган энг қадимги ҳужжатли исм-шариф милоддан аввал яшаган Аккад маликаси Энхедуанага тегишли.

Европада фамилиялар дастлаб Шимолий Италияда минг йил олдин пайдо бўлган. Уша вақтда одамлар исми ва отасининг исми билан танилган. Кейинчалик бу одат Франция, Англия ва Германияда кенг тарқалган.

Қизиғи шундаки, айрим мамлакатларда фамилиялар сони чекланмаган. Масалан, 18-асрда Испанияда оддий зодагонлар олти фамилия олиш ҳуқуқига эга бўлган бўлса, сарой аъёнларига мансуб испан зодагонлари ўн иккита ва энг юқори табақа қатлами чексиз фамилиядан фойдаланган.

Шу ўринда айтиш керакки, инглиз фамилияларининг келиби чиқиши бошқа миллат фамилияларининг шаклланишидан бироз фарқ қилади. Инглизларга фамилиялар асосан яшаш жойларининг номлари, касбий мансублиги ижро бюроси ходимларининг талаб ва оғохлантиришларини назарига илмган. Аммо бундай беписандлик унга қимматга тушди, у бу гал жоний жавобгарликка тортилди. У Жиноят кодексининг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳолатларини назарда тутувчи 122-моддаси 1-қисмига мувофиқ 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Хулоса сифатида айтиш керакки, қонун талабларини менсимасликнинг оқибати ҳеч қачон яхшилик билан якунланмайди. Бу бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас. Зеро, қонунларда барчаннинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган.

**Муродбек ҲАСАНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Урганч шаҳар суди раиси

рақамлардан иборат бўлган оилалар ҳам мавжуд бўлган. Францияда оиласининг ўзига хослигини тўлиқ тасдиқлаш мақсадида ота-она фарзандларига 1792 йил январь, 1792 йил март деб ном қўйишган. Бу фаройиб аънана 1904 йилда ўз ниҳоясига етган.

Энг ноодатий исмлар кўйиш Ҳиндистонда кенг тарқалган. Шу боис бу ерда "Кумуш доллар" ёки "Икки кило гуруч" деб номланган кишиларни ҳам учратиш мумкин.

Фамилияларнинг узун-қисқалиги ҳам ҳар жойда ҳар хил бўлган. Дунёдаги энг узун исм 1478 та ҳарфдан иборат бўлиб, уни ўқиш учун камида ўн дақиқа вақт талаб этилган.

АҚШда 598 та ҳарфдан иборат фамилия мавжуд бўлган. Машҳур одамлар орасида ғайриоддий исм бўйича машҳур рассом Пабло Пикассо бўлиб, унинг тўлиқ исми-шарифи Пабло Диего Хосе Франциско де Паула Хуан Непомусено Криспин Криспиано де ла Сантисима Тринидадо Руиз Пикассо деб номланган.

Энг қисқа фамилиялар корейс ва хитойликларга тегишли. Тўқсон миллион нафардан ортиқ хитойликлар Ли фамилиясига эга бўлса, корейликларда жами 250 га яқин фамилия мавжуд. Бундан ташқари корейлар учун фамилия ҳар доим исмдан олдин келади.

Ҳозирги пайтда турли миллат вакилларининг никоҳи натижасида кўплаб фамилиялар аралашиб кетмоқда. Бу ҳар бир ота-онанинг аънанавий исмларини сақлаб қолиш учун янги фамилияларнинг яратилиши ва қўш фамилиялардан фойдаланишга сабаб бўлмоқда.

Умуман олганда, фамилия ҳар бир инсонга абадий ҳамроҳ ҳисобланиб, миллати, яшаш жойи, касб-кори, маданий аънаналари каби жуда кўп маълумотларни жамлаган муҳим манбадир. Шу боис фамилияларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳеч қачон эътибордан четда қолмаган.

**Интернет материаллари асосида  
Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

### Жиноятга жазо муқаррар!

## Қимматга тушган АЛДОҶ

### ёхуд одам савдоси оқибатлари

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Энг ёмони, одам савдосидан азият чеккан жабрланувчиларнинг аксарияти яқин танишларининг алдовига оқибатида мушкул аҳволга тушиб қолмоқда. Уларнинг орасида юртдошларимиз ҳам борлиги фоят ташвишланарли.

Чироқчи туманида яшовчи Бахтиёр Шомуродов (исм-шарифлар ўзгартирилган) анча йиллардан буён қўшни давлатлардан биридаги қурилиш фирмаларида ишлаб келган. Табиийки, у ерда ишлаш асосида таниш-билишлар ҳам ортирган. Бора-бора улар билан тил топишиб, у ерга юртимиздан ёлланма ишчиларни олиб борган. Иш топиб, иш ҳақини ўз вақтида олиб бериб, уларнинг ишончини бир қадар қозонган.

Аммо Б.Шомуродов кейинчалик қинғир йўлни танглайди. У Азимбек, Нурлан, Умида исмли хорижлик ҳамтовоклар билан ўзаро жоний тил бириктириб, алдов ва товламачиликни касб этади. Аниқроғи, одам савдосидек хавфли жиноятга қўл уради.

У ҳар ойда 500 АҚШ доллардан 1000 АҚШ долларигача иш ҳақи олишини ваъда бериб, Толмас Суванов, Миржалол Рахимов, Тўлқин Маҳманов, Баҳриддин Жумаев, Анвар Ҳасанов, ака-укалар Шохрух ва Қодир Зиётовлар, Қувват Турдиқуллов каби 18 нафар ҳамюртларини қўшни давлатга олиб боради. Сўнгра ҳамтовоклари билан рўйхатга қўйиш баҳонасида уларнинг фуқаролик паспортларини қўлга киритиб, ўзларини ноқонуний равишда турли қурилиш ишларига жалб этади. Ёлланган ишчилар узоқ вақт мобайнида оғир шароитда яшаш ва меҳнат қилишга мажбур бўлади. Охир-оқибат улар юр-

тимизда фаолият юритаётган "Истиқболли авлод" ахборот марказига мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўрашади. Ушбу ташкилотнинг кўмаги билан улар уйларига қайтиб келишади. Шундан сўнг Б.Шомуродовга қонуний чора қўриш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишади.

Тергов ва суриштирув жараёнида Б.Шомуродовнинг жиноий қилмиши тўлиқ исботланди. Суд ҳайъати Б.Шомуродовнинг жиноий қилмишларини атрофлича муҳокама этиб, Жиноят кодексининг 135-моддасига асосан унга нисбатан муайян муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Шунингдек, ҳукмда жабрланувчиларга етказилган кўп миқдордаги моддий ва маънавий зарарни судланувчи ҳисобидан ундириш белгиланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда юртдошларимизнинг хорижда меҳнат қилиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Уларнинг эмин-эркин шароитда ишлаши ҳамда муносиб ҳақ олишини таъминлаш мақсадида бир қатор имконият ва кулайликлар яратилмоқда. Ана шу қонуний имкониятлардан фойдаланиш ўрнига фирибгарларнинг турли алдовларига учаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатини оқлаш қийин, албатта. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ҳуқуқий саводхонликни янада юксалтириш, қонунчилик тарғиботини кучайтириш, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлашни тақозо этади.

**Фозил ЮСУПОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Косон тумани суди раиси  
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**  
"Куч — адолатда" муҳбири

### Жиноят ва жазо

## ҚОНУНГА БЕПИСАНДЛИК

### жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

Юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Чунки фарзандларимиз келажакимиз давомчилари ҳисобланади. Бола ҳуқуқларига оид ҳуқуқий асослар яратилгани, бола ҳуқуқларининг эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизиминининг янада такомиллаштирилиши, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг таъсирчан тизими эътиборга олинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

Хусусан, мамлакатимиз Конституциясига асосан ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур. Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг вазийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, уларнинг таълим олиши, соғлом ва ҳар томонлама камол топиши таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради.

Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.



Ушбу қонуний асослар нафақат ёш авлод келажак, балки бутун жамият тараққиётига хизмат қилади. Шу боис ушбу қонун талаблари барчага баробар саналади. Аммо ҳаётда қонунларга беписанд қарайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Хўш, уларга нисбатан қандай чора кўрилади?

Фикримизни ҳаётий мисоллар билан давом эттирсак, урганчлик Мурод Отаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) турмуш ўртоғи Умида Турдиева билан бор-йўғи бир йилгина бирга яшади, холос. Қариндош-уруғ, маҳала кай-вонилари ёш оилани сақлаб қолиш учун кўп уринишди. Аммо ўғит-насиҳатлар М.Отаевга асло кор қилмади. Оиладан умидини узган У.Турдиева 2009 йилда судга мурожаат қилиб, биргаликдаги турмушлари даврида дунёга келган фарзанди таъминоти учун тегишли миқдорда алимент белгиланиши сўради. Суд бу талабни қаноатлантирди. Бироқ оиласидан воз кечган М.Отаев орадан бир неча йил ўтгач, алимент тўловидан бўйин товлади. У 2014 йилдан 2022 йилнинг октябры ойигача 19 миллион 136 минг сўмлик алимент тўловини тўламаган, фарзандини қийинчилик билан яқка ўзи тарбиялаётган У.Турдиева яна судга мурожаат этишга мажбур бўлади. Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди М.

Отаевга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-4-моддаси 1-қисмига асосан 15 кун муддатга маъмурий қамоқ жазосини тайинлади.

Афсуски, бу чора ҳам иш бермади. Чунки М.Отаев яна фарзанди таъминотидан бўйин товледи. Аниқроғи у 2022 йилнинг 1 октябридан ўтган йилнинг 1 июлигача бўлган давр мобайнида фарзанди таъминоти учун бир чақа ҳам тўламади. Мажбурий ижро бюроси ходимларининг талаб ва оғохлантиришларини назарига илмган. Аммо бундай беписандлик унга қимматга тушди, у бу гал жоний жавобгарликка тортилди. У Жиноят кодексининг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳолатларини назарда тутувчи 122-моддаси 1-қисмига мувофиқ 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Хулоса сифатида айтиш керакки, қонун талабларини менсимасликнинг оқибати ҳеч қачон яхшилик билан якунланмайди. Бу бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас. Зеро, қонунларда барчаннинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган.

**Муродбек ҲАСАНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Урганч шаҳар суди раиси

### Куч — адолатда

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

### Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ Холмўмин ЁДГОРОВ  
Робохон МАХМУДОВА Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ  
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ Замира ЭСОНОВА  
Икрам МУСЛИМОВ Азиз АБИДОВ  
Шухрат ПОЛВАНОВ Бобомурод РАЙИМОВ

### Саҳифаловчи:

Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru  
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.  
Сотувда эркин нархда. Адади: 6035  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21<sup>00</sup>. Топширилди: 22<sup>00</sup>.